

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ



ПОСТАНОВЛЕНИЕ

ПРЕЗИДЕНТА
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

2018 йил “12 ” октябрь

№ ПК-3968

“ ” 20 г.

**Ўзбекистон Республикасида халқ табобати соҳасини
тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида**

Сўнгти йилларда соғлиқни сақлаш тизимида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар фуқароларнинг замонавий тиббий хизматларга, дори-дармонлар билан таъминланишга бўлган имкониятларини кенгайтирди, шунингдек, кўрсатилаётган тиббий ёрдам сифати ва самарадорлиги яхшиланишига олиб келди.

Ўткир ва мураккаб касалликларни даволашда халқ табобати муҳим аҳамият касб этади, табибларнинг хизматларига ахолининг турли қатламларида катта эҳтиёж сезилмоқда.

Шу билан бирга, ушбу соҳадаги вазиятнинг таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, халқ табобати йўналишида кўрсатилаётган тиббий хизматларда назоратнинг етарли даражада эмаслиги, шунингдек, халқ табобатининг замонавий тибиёт тизимида тутган мақоми ва роли хусусида қатор саволлар юзага келмоқда, хусусан:

биринчидан, халқ табобати хизматлари кўрсатишни тартибга солувчи норматив-хуқуқий база яратилмаган, табибларнинг хуқуқ ва мажбуриятлари аниқланмаган, халқ табобати усуллари билан даволовчи шахслар томонидан кўрсатилаётган хизматларнинг сифати ва хавфсизлиги устидан давлат назорати амалга оширилмаяпти;

иккинчидан, халқ табобати усуллари билан тиббий ёрдам кўрсатувчиларнинг мижозлар соғлиғига зарар етказгандик учун масъулияти белгиланмаган, шунингдек, халқ табобати вакилларининг хуқуқларини асоссиз аралашувлардан ҳимоя қилиш кафолатланмаган;

учинчидан, касалликларнинг олдини олиш, ташхис қўйиш ва даволашда замонавий тибиёт билан халқ табобати ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик ва интеграцияни бошқаришнинг тартиб ва механизmlари мавжуд эмас;

тўртингчидан, халқ табобати вакиллари, уларнинг тажриба ва иш натижалари, улар кўрсатадиган хизмат турлари ҳақида ва бошқа маълумотларни ўз ичига оловчи халқ табобати бўйича тизимлаштирилган ягона маълумотлар базаси мавжуд эмас.

Халқ табобати фаолиятини тартибга солиш, тўпланган тажриба ва салоҳиятдан самарали фойдаланиш, ушбу соҳадаги норматив-хуқуқий базани шакллантириш ҳамда халқ табобатининг усуллари ва ютукларидан самарали ва хавфсиз фойдаланиш учун шарт-шароит яратиш мақсадида:

1. Қуйидагилар белгилансин:

халқ табобати аҳолига тиббий ёрдам кўрсатишнинг қўшимча усули сифатида эътироф этилади;

халқ табобати усулида хизмат кўрсатиш бўйича фаолиятни лицензиялаш тиббий фаолиятни лицензиялаш учун белгиланган тартибда (тиббий таълим маълумоти мавжудлиги талаби бундан мустасно) амалга оширилади;

халқ табобати усулларидан фойдаланган ҳолда тиббий хизмат кўрсатувчи шахслар ўз фаолиятининг натижалари бўйича тиббиёт ходимлари учун қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳажмда жавобгар ҳисобланадилар;

тиббий хизмат кўрсатишга нисбатан қўйилган талаблар халқ табобати усулларидан фойдаланган ҳолда тиббий хизмат кўрсатиш билан шуғулланадиган шахсларга ҳам татбиқ этилади;

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги халқ табобати усулларини қўллаган ҳолда тиббий фаолиятни амалга ошириш учун зарур бўлган талабларни, шунингдек, хизмат кўрсатиш ҳажми ва тартибини белгиловчи ваколатли орган ҳисобланади.

2. Халқ табобатини ривожлантиришнинг асосий йўналишлари сифатида қуйидагилар эътироф этилсин:

халқ табобати соҳасидаги фаолиятни тартибга солиш ва назорат қилишини назарда тутувчи норматив-хуқуқий базани шакллантириш ҳамда халқ табобати усулларидан фойдаланган ҳолда тиббий хизмат кўрсатувчи шахсларнинг хуқуқий мақомини ва улар томонидан кўрсатилган хизматлар оқибати учун жавобгарлигини белгилаш;

халқ табобати усулларидан фойдаланган ҳолда тиббий хизмат кўрсатувчи ташкилотлар ва мутахассислар, уларнинг иш тажрибаси, кўрсатадиган хизмат турлари ҳақидаги маълумотларни ўз ичига олған ягона маълумотлар базасини шакллантириш;

кўрсатилаётган тиббий хизматлар сифатини ошириш ҳамда аҳолига тиббий хизматдан фойдаланишда онгли равишда танлаш имкониятини яратиш учун халқ табобатининг кўп йиллик кўнималари ҳамда амалиётда тасдиқланган ижобий ютукларини замонавий тиббиётга интеграциялаш орқали унинг салоҳиятидан фойдаланиш;

халқ табобати соҳасида етакчи маҳаллий ва чет эл тиббиёт муассасалари ҳамда соғломлаштириш амалиёт марказлари билан яқин ҳамкорлик қилиш асосида халқ табобати мутахассисларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини яратиш.

3. Ўзбекистон Республикасида халқ табобатини ривожлантиришнинг устувор чора-тадбирлари дастури иловага мувофиқ тасдиқлансан.

Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазири А.К. Шадманов – ушбу Дастурда назарда тутилган барча тадбирларнинг ўз вақтида, тўлиқ ва сифатли амалга оширилиши, шунингдек, Ўзбекистон Республикасида ҳалқ табобатини тартибга солиш ва янада ривожлантириш бўйича;

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.А. Абдухакимов – ушбу қарор асосида вазирлик ва идораларларга юклатилган вазифаларнинг самарали ва лозим даражада бажарилишини мувофиқлаштириш бўйича шахсан жавобгарлиги кўрсатиб ўтилсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Инновацион соғлиқни сақлаш миллий палатасининг:

республика тиббиёт олий ўқув юртларининг “Даволаш иши”, “Педиатрия иши”, “Тиббиёт-педагогика иши” бакалавриат йўналишларидағи ўқув дастурларига ҳалқ табобати бўйича маҳсус ўқув циклини жорий этиш;

Тошкент врачлар малакасини ошириш институтида ҳалқ табобати кафедраси ва “Ҳалқ табобати” йўналиши бўйича малака ошириш курсини ташкил қилиш;

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги хузурида Ҳалқ табобати усулларидан фойдаланган ҳолда тиббий хизмат қўрсатиш фаолиятини лицензиялаш бўйича маҳсус комиссия ташкил этиш тўғрисидаги таклифларига розилик берилсин.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги бир ҳафта муддатда Маҳсус комиссия таркибини шакллантирсин ва тасдиқласин.

5. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги зиммасига ҳалқ табобатини ривожлантириш ва ҳалқ табобати усулларидан фойдаланган ҳолда хизмат қўрсатиш фаолиятининг давлат томонидан тартибга солинишини таъминлаш доирасида:

ҳалқ табобати мутахассисларини тайёрлаш ва қайта тайёрлаш бўйича ўқув жараёнини ташкиллаштириш, шунингдек, ўзбек ҳалқ табобатининг бой тарихий анъаналари ва ноёб меросини ўрганиш, ҳалқ табобати йўналишларини тизимлаштиришда ташкилий ва услубий ёрдам бўйича чуқур илмий тадқиқотларни ташкил этиш;

бошқа мамлакатларнинг ҳалқ табобатини ифодаловчи таникли ташкилотлари билан ҳар томонлама ҳамкорликни йўлга қўйиш вазифалари юклансин.

6. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги:

а) 2018 йил 15 ноябрга қадар:

давлат таълим стандартларининг талаблари асосида ҳалқ табобати бўйича ўқув дастурини;

ҳалқ табобати усулларидан фойдаланган ҳолда тиббий фаолиятни амалга оширишга мўлжалланган биноларнинг санитария қоидалари, меъёрлари ва гигиеник нормативларини ишлаб чиқсин ва ўрнатилган тартибда тасдиқласин;

б) 2018 йил 1 декабрга қадар:

халқ табобати усулларидан фойдаланган ҳолда тиббий фаолиятни амалга оширишда ишлатиладиган асбоб-усқуналар ва бошқа техник воситалар, шу жумладан тиббий техникага нисбатан минимал талабларни;

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги билан биргаликда Халқ табобати усулларидан фойдаланган ҳолда тиббий фаолият кўрсатиш тартиби ва ҳажмлари тўғрисидаги низомни ишлаб чиқсин ва ўрнатилган тартибда тасдиқласин;

в) Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги билан биргаликда 2018 йил охирига қадар халқ табобати усулларидан фойдаланган ҳолда тиббий хизмат кўрсатувчи ташкилотлар ва мутахассислар, уларнинг иш тажрибалари, хизмат кўрсатиш турлари, алоқа ва бошқа маълумотларни қамраб олган ягона маълумотлар базасини шакллантиришни, оммабоп фойдаланиш учун Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг веб-сайтига жойлаштиришни, шунингдек, ушбу турдаги ташкилотлар фаолиятини лицензиялаш амалга оширилиши билан базани доимий равишда янгиланиб боришни таъминласин;

г) “халқ табобати” йўналишини тиббий фаолият амалга ошириладиган тиббий ихтисосликлар турлари номенклатурасига киритсин;

д) икки ой муддатда Ўзбекистон Республикасининг “Фуқароларнинг соғлиғини сақлаш тўғрисида”ги Қонуни ва бошқа норматив-хуқуқий хужжатларга ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида таклифларни Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

7. Белгилансинки, мазкур қарорда назарда тутилган тадбирларни амалга ошириш бўйича молиялаштириш Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

8. Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги оммавий ахборот воситаларида мазкур қарорнинг мақсад ва вазифаларини ёритиш бўйича муентазам чиқишлиар ҳамда мавзули кўрсатув ва эшиттиришларни ташкиллаштирисин.

9. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси А.А.Абдуваҳитов, Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчисининг биринчи ўринбосари Б.М. Мавлонов ва Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.А. Абдуҳакимов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Тошкент шаҳри



Ш. Мирзиёев

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2018 йил “12” октябрдаги ПК-3968-сон қарорига
илова

Ўзбекистон Республикасида халқ табобатини ривожлантиришнинг
устувор чора-тадбирлари дастури

№	Чора-тадбирлар	Амалга ошириш механизми	Ижро муддати	Масъул ижрочилар
I. Норматив базани такомиллаштириш				
1.	<p>Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг 2014-2023 йилларда халқ табобати соҳаси стратегиясида назарда тутилган, ушбу ташкилотнинг тавсиялари асосида, шунингдек, ушбу йўналишда ривожланган давлатлар (Хитой, Корея, АҚШ, Россия ва бошқалар) тажрибаси асосида тайёрланган ва Вазирлар Махкамаси билан келишилган Ўзбекистон Республикасида халқ табобатини ривожлантириш бўйича комплекс чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш, жумладан:</p> <p>маҳаллий соғлиқни сақлаш тизимида халқ табобатининг ролини ошириш;</p> <p>халқ табобати усусларини қўллаган ҳолда хизмат кўрсатувчи хусусий тиббиёт муассасалари фаолиятини қўллаб-куватлаш;</p> <p>соғлиқни сақлаш тизимининг амбулатор ва стационар муассасаларида халқ табобати усусларини қўллаш билан касалликларни даволаш бўйича маҳсус бўлимлар ташкил этиш;</p> <p>халқ табобати дори воситаларини сотиш билан шуғулланувчи дорихоналар тизимини ташкил этиш (ривожлантириш),</p> <p>халқ табобати соҳасида кадрлар тайёрлаш;</p> <p>халқ табобатини яънада оммалаштириш бўйича илмий-тадқиқот ишларини олиб бориш учун шароит яратиш;</p> <p>халқ табобатидан кенг фойдаланиладиган хорижий мамлакатлар билан фаол ҳамкорлик қилиш.</p>	Вазирлар Махкамаси билан келишилган комплекс чора-тадбирлар	2019 йил 1 февралгача	Соғлиқни сақлаш вазирлиги (<i>А.Шодмонов</i>), Инновацион соғлиқни сақлаш миллий палата (<i>Р.Изамов</i>), ТИВ (<i>А.Камилов</i>), манфаатдор вазирлик ва идоралар
2.	Тиббий фаолиятни лицензиялаш учун назарда тутилган тартибда халқ табобати усусларини қўллаш билан кўрсатиладиган хизмат фаолиятини лицензиялаш муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2017 йил 21 июндаги 405-сонли қарори билан тасдиқланган Тиббий фаолиятни	Вазирлар Махкамаси қарори	2018 йил 1 декабргача	Соғлиқни сақлаш вазирлиги (<i>А.Шодмонов</i>), Инновацион соғлиқни сақлаш миллий палатаси (<i>Р.Изамов</i>),

	лицензиялаш тўғрисидаги Низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш.			Адлия вазирлиги (Р.Давлетов)
3.	Ҳалқ табобати воситаларини реклама қилиш, шунингдек, ҳалқ табобати усулларини қўллаш бўйича фаолиятни хукуқий тартибга соловчи қонунчиликни тақомиллаштириш. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Мажхамаси ва Президент Администрациясига таҳлилий маълумотнома киритиш.	Аниқ таклифлар билан таҳлилий маълумотнома	2018 йил 1 декабргача	Соғлиқни сақлаш вазирлиги (А.Шодмонов), Давлат рақобат қўмитаси (Н.Шарипов)
4.	Ҳалқ табобати усулларини қўллаган ҳолда амалга ошириладиган хизматлар кўрсатувчи шахсларнинг фаолиятига баҳо бериш мезонларини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш.	Идоравий хужжат	2018 йил 1 декабргача	Соғлиқни сақлаш вазирлиги (А.Шодмонов), Инновацион соғлиқни сақлаш миллӣ палатаси (Р.Изамов)
5.	Ўзбекистон Республикасида ҳалқ табобати соҳаси тартибга солиниши муносабати билан хизматчиларнинг асосий лавозимлари ва касблар Классификаторига ўзгартирниш ва қўшимчалар киритиш.	Идоравий меъёрий-хукуқий хужжат	2018 йил 1 ноябргача	Меҳнат вазирлиги (Ш.Кудбиев), Соғлиқни сақлаш вазирлиги (А.Шодмонов)

II. Ҳалқ табобатини ривожлантириш ва оммалаштиришнинг ташкилий чоралари

6.	Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Инновацион соғлиқни сақлаш миллӣ палатаси ва бошқа идоралар, шу жумладан тиббиёт муассасалари ходимларини Хитой, Корея, Япония давлатларига ҳалқ табобатини ривожлантириш ва рағбатлантириш, кадрлар тайёрлаш ҳамда дори воситалари билан таъминлаш бўйича тажрибасини чуқур ўрганиш учун таништирув сафарини ташкил этиш масаласини ишлаб чиқиш. Сафар харажатлари Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Инновацион соғлиқни сақлаш миллӣ палатаси маблағлари, грантлар ва қонун билан тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан қопланади.	Ташкилий-амалий чора-тадбирлар	2018 йил охиригача	Соғлиқни сақлаш вазирлиги (А.Шодмонов), Инновацион соғлиқни сақлаш миллӣ палатаси (Р.Изамов), Ташқи ишлар вазирлиги (А.Комилов)
7.	Тошкент шаҳрида чет эл эксперталари, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти ва бошқа тузилмалар вакиллари иштирокида “Ўзбекистон Республикасида ҳалқ табобатини хукуқий тартибга солиш ва ривожлантириш истиқболлари” мавзуусида ҳалқаро илмий-амалий конференция ўтказиши.	Ташкилий-амалий чора-тадбирлар	2019 йил 1 февралгача	Соғлиқни сақлаш вазирлиги (А.Шодмонов), Инновацион соғлиқни сақлаш миллӣ палатаси (Р.Изамов), Ташқи ишлар вазирлиги (А.Комилов), манбаатдор вазирлик ва идоралар

8.	Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузурида Ўзбекистон Республикасида халқ табобатини ривожлантириш борасида Халқ табобати фаолиятини тартибга солиш бўйича малакали табиблар, профессионал шифокорлар, халқ табобати соҳасида изланишлар билан шуғулланувчи шахслар, ҳуқуқшунослар ва бошқа касб эгаларидан иборат бўлган Кенгаши ташкил этиш.	Соғлиқни сақлаш вазирининг буйргуи	2018 года 20 октябргача	Соғлиқни сақлаш вазирлиги (А.Шодмонов), Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги (И.Маджидов), ДБА (Р.Касимов)
9.	Халқ табобати усууларини қўллаш билан хизмат кўрсатувчиларнинг хизматларини илгари сурис, улар манфаатини химоя қилиш мақсадида нодавлат нотижорат ташкилоти сифатида Ўзбекистон Халқ табобати ассоциацияси (жамияти)ни ташкил этиш масаласини муҳокама қилиш.	Ташкилий амалий чора-тадбирлар	2018 йил 15 ноябргача	ЎзННТМА (И.Насриев), Адлия вазирлиги (Р.Давлетов), Соғлиқни сақлаш вазирлиги (А.Шодмонов), Инновацион соғлиқни сақлаш миллӣ палата (Р.Изамов)
10.	Халқ табобати усууларини қўллаш билан касалликларни даволаш учун тавсия қилинадиган (ишлатиладиган), аниқ номдаги ўсимликлар, уларни парвариш қилиш ва ўстириш жойи, ўсимликлардан фойдаланиш ва бошқа зарур маълумотларни ўзида жамлаган миллӣ ўсимлик турлари тўғрисидаги маълумотлар базасини яратиш.	Ташкилий-амалий чора-тадбирлар	I босқич – 2019 йил 1 январтгача II босқич – 2019 йил 1 майгача III босқич – 2019 йил 1 октябргача	Фанлар академияси (Б.Юлдашев), Соғлиқни сақлаш вазирлиги (А.Шодмонов)
11.	Халқ табобати усууларини қўллаш билан касалликларни даволаш учун тавсия қилинадиган табиий ва ўсимлик доривор воситалари, халқ табобати воситалари тўғрисидаги маълумотар базасини яратиш, шунингдек, уни Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг веб-сайтида жойлаштириш.	Ташкилий-техник чора-тадбирлар	2019 йил 1 маргтгача	Соғлиқни сақлаш вазирлиги (А.Шодмонов), Фанлар академияси (Б.Юлдашев)
12.	Халқ табобати усууларини қўллаш орқали касалликларни даволаш ва унинг тарғиботи бўйича Ўзбекистон Миллӣ телерадиокомпанияси тизими марказий телеканалларида доимий асосда ток-шоу (кўрсатувлар) ўтказишни ташкил этиш.	Ташкилий-техник чора-тадбирлар	мунтарозам	МТРК (А.Хаджсаев), Соғлиқни сақлаш вазирлиги (А.Шодмонов)
13.	Ўзбек халқ табобатининг ноёб мероси ва бой тарихий анъаналарини ўрганишни акс эттирувчи электрон илмий изланишлар рўйхатини шакллантириш, шунингдек, ушбу рўйхатни изланишлар билан бирга Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигига тақдим этиш.	Ташкилий-техник чора-тадбирлар	2018 йил 15 ноябргача	Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги ОАК (А.Юсупов), Соғлиқни сақлаш вазирлиги (А.Шодмонов)

